


Қайтар дунё деганлари ростдир



00:00 / 26.06.2018 6228

Абу Хурайра розияллоху анху айтадилар:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳива саллам: “Бошқа инсонларнинг аёлларига нисбатан ифбатли бўлинг. Аёлларингиз ҳам ифбатли бўлурлар. Ота-оналарингизга яхшилик қилинг, фарзандларингиз ҳам сизларга яхшилик қилур”, дедилар.(Имом Муслим ривояти).

Ҳақиқатда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўзал одоб-ахлоқмуаллимидирлар. У зот ўз умматларини фазилатли гўзал хулқлар асосида тарбия қилдилар. Ўзларининг Пайғамбар қилиб юборилишларидан кўзланган мақсадни баён қилиб: **“Мен карамли хулқларни тамомига етгазиш учун юборилдим”**, деганлар. Ушбу биз ўрганаётган ҳадиси шарифда ҳамэнг муҳим ишларни баён қилмоқдалар. Агар сиз ўзингиз ифбат ва поклик билан ҳаёткечирсангиз, албатта, аёлларингиз ҳам ифбатли ва покиза бўлурлар. Агар ифбатингизни сақласангиз ва разилликлардан ўзингизни тийсангиз, эвазига Аллоҳаёлларингизни ҳам турли бузуқлик, алдов ва фитналардан омонда сақлайди. Аллоҳтаоло шундай марҳамат қилади:

“Нопок аёллар нопок эркаклар учун, нопок эркаклар нопок аёллар учундир. Покиза аёллар покиза эркаклар учун, покиза эркаклар

покиза аёллар учундир”. (Нур сураси 2 б -оят).

Бир ёши улуғ отахон тижорат мақсадида сафарга отланган ўғлини кузата туриб, ўғлига: “Ўғлим, синглингни муҳофаза қил! Синглингни эҳтиёт қил!”, деб, бир неча бор тайинлади. Ўғил ҳамотасига итоаткорона: “Хўп бўлади”, “Хўп бўлади, отажон”, дедию, ўзига ўзи: “Қандоққилиб синглимни эҳтиёт қиламан? Ахир у уйда, мен эса олисда бўлсам”, деб савол берди.

Сафарда юрганида бир чиройли қизга кўзи тушиб, уни ёқтириб қолди. Орқасидан пайт пойлаб юриб, қиз ёлғиз қолганда бир ўпиб олди. Кейин бу хатосидан хижолат бўлиб ортига қайтди. Кунлар ўтиб уйига қайтганда, отаси: “Ўғлим мен сенга синглингни эҳтиёт қилгин, демаганмидим?! Агар сен ҳам зиёда қилганигда, у ҳам зиёда қилган бўлар эди” деди. Маълум бўлишича у сафардалигида синглисини ҳам бир йигит ўпиб қочган экан. Йигит отасининг насиҳатини тушуниб етиб, қилмишидан пушаймон бўлди. Агар сиз ота-онангизга яхшилик қилсангиз, албатта, Аллоҳ таоло фарзандларингизни ҳам сизга итоаткор, ғамхўр қилиб қўяди. Чунки, ота ёки онасининг ўз ота-оналарини эъзозлаб, эҳтиром кўрсатиб ва ҳурмат билан муомала қилганини кўрган фарзандлар ота-онанинг мартабаси улуғ, қадрли юксак ва ҳар қандай юксак эҳтиром ва қадрлашга ҳақдор эканларини билишади. Натижада, улар ҳам ота-оналарига шундай муомала қиладилар. Бу воқеъликдаги барча гувоҳи бўлиб турган ҳақиқатдир. Агар сиз ота-онангизга яхшилик қилсангиз, албатта, Аллоҳ таоло сизга ҳам фарзандингизни меҳрибон қилиб қўяди. Агар аксинча бўлса, Аллоҳ асрасин, натижа ҳам бунинг акси бўлади.

Арабларда бир нақл бор: “Мукофот амалнинг жинсидан бўлади”, яна ҳам соддароқ қилиб айтганда халқимизнинг: “Қилмиш қидирмиш” ёки “Қайтар дунё”, каби ҳикматли гаплари мисол бўлади. Собит Буноний раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар:

“Бир киши отасини бир жойда ураётган эди. Шунда баъзи кишилар унга насиҳат қилиб: “Бу нима қилганинг, Аллоҳдан қўрқмайсанми”, дейишди. Шу пайт ота: “Қўяверинг! Уни айбламанг! Чунки, мен ҳам отамни шу ерда урган эдим. Мана ўзимга қайди” деди.

Яна бир йигит қариб қолган отасидан қутилиш мақсадида бир ташландиқ жойдаги қудуққа ташлаб келиш учун отасини елкасига опичлаб йўлга чиқди. У қудуққа яқинлашган пайтда отаси йиғлаб: “Болам, мени бу қудуққа ташлама! Чунки мен ҳам ўз отамни шу қудуққа ташлаган эдим” деб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади. Шу пайт йигитнинг кўзи очилди. Агар у шу ишни қилса, эртага албатта ўзига ҳам болаларидан қайтишини англаб етди. Бу ишидан қайтиб, астойдил тавба қилиб истиффор айтди. Отасини уйига олиб келиб парваришлаб ғамхўрлик кўрсатди.

**Тошкент вилояти Зангиота тумани “Фатҳ” жоме масжиди
имом-хатиби Баҳодир Раҳматуллаев**